



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 15 июль, № 143 (9038)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Биз ва жаҳон



Дўстлик Бўстони

Қирғиз Республикасининг Иссиққўл вилоятидаги Тон туманида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан бунёд этилган “Bo’ston Resort” дам олиш мажмуасининг дастлабки босқичи фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг 12 июль куни мазкур сихатгоҳнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда ҳар икки қардош мамлакатдан қасаба уюшмалари фаоллари, иҳодкор-зиёлилар ҳамда Қирғиз Республикасидан фахрий меҳмонлар қатнашди.

Меҳмонлар урф-одатларимизга кўра қарнай-сурнай, доира садолари остида тантанали кутиб олинди. Шу асно мартабали меҳмонлар иштирокида “Bo’ston Resort” дам олиш масканининг рамзий тасмаси қирқилди. Қўй сўйилиб, эҳсон маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилинди. Йирилганлар мамлакатларимизнинг истиқболли ҳам-корлиги, халқлар ўртасидаги биродарлик, қуд-андачилиқ ришталари абадий бўлишини тилаб дуога қўл очди.

Маросим давомида сўзга чиққанлар сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқалар бутунлай янги шакл ва мазмун касб этганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида чегаралар очилгани халқларимизнинг ўзаро борди-келдини қайта тиклашида, асрлар синовидан ўтган дўстлик, қардошлиқ муносабатларини янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этди.

Иссиққўл соҳилида қад ростлаган дам олиш маскани минтақада туризмни янада ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш билан бирга, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқларимизни янада жипслаштиришга хизмат қилади. “Bo’ston Resort” чинакам дўстлик бўстонига айланади.

Тадбир чоғида қурилиш жараёнларида фаол қатнашган масъуллар ва қурувчилар тақдирланди. Уларга Ўзбек урф-одатларига асосан тўн кийдирилди.

Ўзбек — қирғиз санъаткорлари иштирокидаги концерт дастури йирилганларга хушайфият улашди.

«Халқ сўзи».



Янги саҳифа:

Ўзбек боласи борки, бешикни билади, яхши кўради, унга бир муқаддас нарсасидек қарайди. Чунки у гўдаклигида шу бешиқда ётган, унинг бағрида илк бор алла эшитган, ҳаловат толган. Шу бешиқ уни хавфсиз асраган, авайлаган. Митти жисм ва муғоқ қалбини бутун борлиги ҳам, бойлиги ҳам, дунёси ҳам шу бешиқ бўлган. Худди она каби. Худди Ватан сингари. Халқимиз бешикни Ватанга қўйлаш бежиз эмас. “Она юртинг — олтин бешигинг” деган пурмаъно нақл замирида улуг ҳикмат мужассам.

Газетамизда “Олтин бешиқ” аталмиш янги саҳифа ташкил этарканмиз, аввало, Ватан ҳақида сўз айтиш, унинг муқаддаслигига муътабарлигини мадҳ этиш, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги, камолотимиздаги бекиёс аҳамиятини содда ва самимий ифодалаш имкониятини муштарийларимизга илдиндик.

Шубҳасиз, азиз ва жонажон Ватанимиз ўтмиши, миллий қадриятлари, буюк алломалари, маданий мероси ҳақида шу пайтга қадар қанчадан-қанча китоблар битилган, тадқиқотлар қилинган, адабий асарлар, санъат дурдоналари яратилган. Аммо Ўзбекистон аталмиш соҳир ўлканинг таровати, нафосати, буюклигини тараннум этиш учун ҳамиша янги сўз айтиш мумкин.

Зотан, Ватан тупроғининг зарраси, юрт тарихининг ҳар саҳифаси, халқимиз маънавий дунёсининг ҳар бир иқлими ҳали биз англаб етмаган сир-синоатларга, ҳикматларга бой. Шу боис мазкур саҳифада буюк аждодларимиз мероси,

адабиётимиз дарғаларининг бетакрор асарлари, тарихимизнинг бизга аён ва ноаён зарварақлари ҳақида қизиқарли мақолалар, лавҳалар бериб боришга қарор қилдик.

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллигини кўтаринки руҳда нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу йилги айём тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояни ўзида мужассамлаган ғоявий-бадий концепция асосида нишонланади.

Шу маънода, биз ташкил этаётган саҳифа моҳиятан айна шу шиор мазмунига уйғун бўлиб, унда истиқлол туфайли Ватан учун, миллат учун, халқ учун, умуман, барчамизнинг бахту саодатимиз йўлида олиб борилаётган ислохотлар



кенг ёритилади. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда юз бераётган тарихий ўзгаришлар, турли соҳалардаги янгиланишлар, ҳудудларимизнинг ўзига хос томонлари, урф-одатлар ва анъаналаримиз, халқимизнинг ардоқли фарзандлари, атоқли олимлар, фан, таълим, маданият ҳамда санъат намояндалари билан суҳбатлар, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари бериб борилади.

Умид қиламизки, ушбу саҳифа Сиз, азиз газетехонларни бефарқ қолдирмайди. Эълон қилинаётган мақолалар, суҳбатлар, адабий асарлар, лавҳалар хусусида муштарийлардан фикр-мулоҳазалар кутиб қоламиз.

Таҳририй.



Таҳлил

Ислохотларни жойларда самарали амалга ошириш — пировард мақсад

➡ 4

Форум

Маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамловчи анжуман

Шу кунларда Беларусь Республикасида Х халқаро “Ҳамдўстлик болалари” маданий-маърифий форуми бўлиб ўтмоқда.

Мазкур анъанавий нуфузли тадбирда Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Туркменистондан 14 — 17 ёшдаги мактаб ўқувчилари ҳамда уларнинг устозлари иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева форум иштирокчиларига йўллаган табригида «Ҳамдўстлик болалари» форуми бугунги кунда МДХ мамлакатлари ёшлари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган яхши анъаналарга айланишини таъкидлади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон куни кенг нишонланди. Унда мамлакатимизнинг бой маданий мероси, миллий урф-одат ва анъаналари кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари халқ қўшиқлари ва рақсларини ижро этди ҳамда миллий ўйинлар намоишини ташкил қилди. Шунингдек, форум иштирокчилари ўзбек мусиқаси ва адабиёти билан яқиндан танишиш, миллий таомлардан татиб кўриш имконига ҳам эга бўлди.

«Халқ сўзи».

Сиёсий партиялар фракцияларида

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР КАФОЛАТИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда куйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 9 июль куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги таълим ва ташаббусларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Депутатлар “Хавфсиз йўл” миллий дастури йўлларимизни обод қилиш билан бир қаторда, пиёдаларнинг хавфсизлиги учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этишди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиқиб, партия ва унинг парламентдаги фракцияси олдига турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала — таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Бу билан “Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Педагог-

нинг мақоми тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонунларда “мактабдан ташқари” атамаси “қўшимча таълим”га алмаштириляпти. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда қўшимча таълим болалар учун таълим ва катта ёшдагилар учун қўшимча таълим турларига ажратилмоқда. Бунда қўшимча таълим болалар ва катта ёшдагиларнинг ижодий қобилиятларини шакллантириш ва касбий кўникмаларини ривожлантиришга, интеллектуал ва жисмоний такомиллашувга бўлган индивидуал эҳтиёжларини қондиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, саломатлиқни мустаҳкамлашга ва бўш вақтларини самарали ташкил этишга қаратилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунда болалар орасида қўшимча таълим фаолиятини бошлаш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигини, катта ёшдагилар учун эса Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигини хабардор қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинмоқда.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

➡ 3

ТАРИХ СИНОВЛАРИДАН ЎТГАН ҲАҚИҚАТ

Ўзбек ва қирғизни ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бир-биридан айира олмайди

Қирғизистон бизнинг муҳим стратегик ҳамкоримиз, энг яқин қўшнимиз ва вақт билан синалган дўстимиздир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон дўстлиги тимсоли бўлган «Дўстлик» стеласи.

Хеч эсимдан чиқмайди, айнан ўша йиллари собиқ марказнинг бош мафкуравий-сиёсий жарчиси бўлган «Правда» газетасида (1988 йил 13 февраль) дунёга машхур адиб Чингиз Айтматовнинг «Қайта қуриш, ошкоралик — омонлик дарахти» («Перестройка, гласность — древо выживания») мақоласи босилди. Мақола мазмун-моҳиятига кўра, собиқ марказ томонидан аёвсиз сиқувга, сиёсий репрессияга тортилган Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳимоясига қаратилган эди.

Айтматов унда, жумладан, шундай деганди:

«Ўзбек халқининг мамлакат учун қилган меҳнати борма-бир санай-версак, буларнинг бари бошимизни куйи эгиб, таъзим этишга арзийди. Қадим-қадимдан ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг Қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин.

Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимизу юзимиз бўлиб келди. Йўқ, ўзбек халқининг бокира юзига ҳеч нарса доғ туширолмади!»

Айни шу иқтибос ўзбек матбуоти ва адабиётида — мақолалар, илмий ишлар ва бадий асарларда жуда кўп бор фахр билан тилга олинган. Аммо бу ёниқ сўзлар қанча кўп эътироф этилмасин оҳори тўқилмайди, қиймати пасаймайди.

2

Сўзимнинг аввалидаёқ айтиб қўяй, мен бу сафар глобал масалалар ҳақида эмас, кўпроқ оддий одамгарчилик, инсоний самимият, соддароқ айтганда, қўшнилари билан бир-бирларига бўлган меҳри, самимияти ўртадаги вазиятни қандай ўзгартириб юбориши хусусида гапирмоқчиман. Зотан, айни ҳодиса бугун икки халқ, икки мамлакат ҳаётида кузатаётгани-

миз дўстона муносабатларнинг буюгидир.

Хеч эсимдан чиқмайди: Президент Шавкат Мирзиёев иш бошлаган илк кезлардаёқ Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғини обод қилишга киришган ва бундан кўпчилик хайрон бўлганди. Очик айтаман, ўша кезлари ораимизда «Ўзимизнинг қишлоғу маҳаллалар қолиб, нега Манас ободонлаштирилади» дегувчилар ҳам бўлганди. Асосан, этник қирғизлар яшовчи бу овул совет замонларида ташкил этилган бўлиб,

бирдамлигига монелик қилувчи асосий «мафкура» бўлганини бугун ҳаммамиз яхши тушунаимиз.

Холбуки, ўзбеги қирғиз, умуман, минтақамиз халқларини фақат «ошхона маданияти» бир-бирига боғлаб турмайди. Икки халқ тақдирининг уйқашлиги, эт билан тирноқдай битта эканининг яна бир мисоли сифатида элларимиз муаммоларининг яқрамлигини ҳам келтириш мумкин. Масалан, ишсизлик ва мигрантлар масаласи... Биласиз, бу муаммонинг охириги 25 йил давомида ягона ечими меҳ-



узоқ йиллар «қўздан панада» қолиб келганини ҳаммамиз яхши билардик. Шавкат Мирзиёевнинг кейинчалик бутун мамлакат бўйлаб қўлоқ ёйган «Обод қишлоқ» дастури нега айнан шу ердан бошланганини бугун кўпчилик тушунди. Ўзбекистоннинг янги раҳбари бу ҳаракати билан «Биз йр элмиз, бир халқмиз, бизнинг томириимиз битта» деган асл ҳақиқатга ишора қилган эди. Зотан, совет замонларида шаклланган, тўғрироғи, катта «оға»миз зуғуми билан сунъий юктирилган ва ундан кейин ҳам беписандлик билан қаралган миллий айирмачилик минтақа давлатлари

нат миграцияси бўлди. Бундан ҳам оғирроғи чегаралар ва трансчегаравий дарёлар атрофидаги масалалар эди. Улар моҳиятан жуда қийин, узоқ йиллардан бери ечим кутаётган юмушлар эди.

Йилдан-йилга чигаллашиб, икки томонни ҳам тобора ўзининг қаърига тортиб бораётган бу «қора туйнук»нинг оғзини бизга ким ёпиб, муаммоларимизни ким ҳал қилиб беради? Ҳеч ким! Бунинг учун эса, аввало, минтақадаги ижтимоий-мафкуравий муҳит — халқларимизнинг тафаккурини ўзгартириш талаб этиларди.

Шундай оғир паллада Шавкат

Мирзиёевнинг дастлабки журъатли қадамлари — чегара, сув ҳавзалари ва дарёлардан фойдаланиш ҳамда иқтисодий-маданий жабҳалардаги ҳаётбахш ўзгаришлар ўзаро муносабатларни тезкор ва ҳар жиҳатдан яхшилашнинг ноёб намунаси сифатида кўпчилиكنи хайратга солгани бор гап. Сўз исботи билан бўлиши учун аниқ мисол келтираман: Қирғизистонда 2016 йили, яъни ўзгаришларгача бўлган даврда ўтказилган ижтимоий сўровда иштирокчи — респондентлар Ўзбекистонни энг нодўст давлатлардан бири, деб ҳисоблаган бўлса, 2017 йилги сўровларда энг яқин дўст мамлакатлардан бири сифатида қайд этишган... Ўзаро алоқаларнинг бундай тез илиқлашуви нафақат халқларимиз, балки халқро ҳамжамият, маҳаллий сиёсатчилар, мустақил экспертларнинг ҳам эътиборини тортди. Масалан, юқорида исмини келтирганимиз қирғизистонлик эксперт Эмилбек Жўраев ўз мақоласида шундай ёзади:

«2024 йил 18-19 июль кунлари Президент Садир Жапаровнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи амалга оширилди. Икки давлат раҳбарлари ва ўзаро музокараларнинг бошқа қатнашчилари якунда ҳамкорликнинг турли йўналишларига доир 16 та ҳужжатни имзоладилар, истиқболдаги маҳобатли ва айна пайтда ҳаётий мақсадларни белгилаб олдилар.

Қирғиз матбуоти Президент Шавкат Мирзиёевнинг, икки мамлакат муносабатларидаги конструктивизм принциплари (win-win) аниқ-тиниқ ифодалаган «Бизга кучли ва фаровон қўшни — Қирғизистон керак», деган сўзларини иқтибос қилди. Бу — шунчаки меҳмондорчилик ёки эҳтиром белгиси эмас, балки икки биродар давлатнинг чинакам дўстона муносабатлари тасдиғи сифатида қабул қилинди. Зеро, бир мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлигига унга қўшни юртда ҳам шундай шарт-шароит барқарор бўлгандагина эришиш мумкин».

3

Эмилбек Жўраев Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Бизга кучли ва фаровон қўшни — Қирғизистон керак», деган хитоби қирғиз матбуотининг сарлавҳасига айланганини айтар экан, бу билан бир ҳақиқатни тасдиқлайди. Ҳа, ўзбек Лидерининг юракдан истаган, қалбини ёндирган ният шу эди. Бу истақ, кучли хоҳиш, гарчи баралла айтилмаган бўлса-да, айнан ўша Манас қишлоғини обод қилиш ишлари бошланган кезларда куртак ёзган эди.

Юқорида Халқаро республика институты томонидан 2017 йил Қирғизистонда ўтказилган аҳоли ижтимоий фикри сўровида қардошларимиз Ўзбекистонни энг дўст мамлакат, дея баҳолаганини 2024 йил Олимпиада мусобақалари жараёнларида ҳам кўриб жуда қувондим. Икки қондош халқ бир-бирининг спортчиларини худди ўзиникидек қўллаб-қувватлашди, ёрдам беришди. Шунда аниқроқ кўрдимки, дўстлик ва бирдамлик янада мустаҳкамланибди, халқларимиз томирларимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бир эканини янада чуқурроқ англабди.

Яна мен буюк ёзувчимиз Чингиз оғадан олинган иқтибосдаги бизга бўлган жонқуярлик, меҳр ва самимиятни, «ўзиники» дея қайғуришни ана шу мусобақалардаги бир-бирига қайишишда кўрдим...

Булар — жуда катта тарихий ютук!

4

Албатта, бу каби ҳодисалар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Бундай тарихий миссияларни амалга оширадиган шахслар бўлади. Тақдир халқларимиз бахтига шундай Лидерларни берди. Бир-бирини оғам, иним, дея муносабат юритаётган Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаровлар ҳақида бундан бошқа яна қандай таъриф бериш мумкин?!

Бир замонлардагидек «сен зўрми, мен зўр» қабилидаги «ҳамкорлик»лардан тамоман воз кечган икки раҳбар мамлакатларимизнинг гуллаб-яшнашига, яқин қўшничилик алоқаларининг мустаҳкамланишига тамал тошини қўйди, десам, мубо-



лага бўлмайди. Энг муҳими, ўзаро ҳурмат, маслаҳат ва самимият муносабатларимизни янада илиқлаштирмоқда.

Мен минтақамиз сиёсий ҳаётини жуда узоқ йиллардан буюн кузатиб келаман ва бу жараёнда илгарилари бўлмаган бир нозик масала диққатимни тортади: бизда қўшни давлатлар раҳбарлари бир-бири ҳақида жуда кам ҳолларда илиқ фикрлар билдирган. Айтилган гаплар ҳам кўпинча сиёсат ёки протокол учун бўлган. Мирзиёев ва Жапаров ўртасидаги муносабатлар оға-ини ўртасидаги жондошлик муомаласига ўхшайди. Масалан, шу йил (2025 йил) бошида Садир Жапаров Ўзбекистонга келди. Журналистларимиз «расмий» деб шарҳлаган бу ташриф пойтахт — Тошкент ёки мамлакатимизнинг бошқа марказий шаҳарларига эмас, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Амирсой» курорт мажмуасига амалга оширилди. У ерда икки давлат раҳбари оддий одамлардек, яъни ортиқча сиёсий «штрих»ларсиз ўтириб, суҳбатлашганини акс эттирувчи суратлар ўша куни матбуот ва ижтимоий тармоқларда тарқалди. «Галстуксиз» учрашув, табиийки, ҳар икки давлат жамоатчилигида, жамиятларида қизғин муҳокама қилинди. Чунки биз бундай «визит»ларни кўрмаган эдик, кўзимиз ўрганмаган эди...

5

2021 йил 28 январда «ВВС»нинг қирғиз хизмати Садир Жапаров билан суҳбат ўтказди. Мухбирнинг «Қирғизистонда сиёсий бошқарув формаси алмашинувида сизнинг Президентлик «иктидор»ингиз авто-



ритар бошқарувга айланиб кетмайди, деб қафолат бера оласизми?» деган саволига жавоб бераркан Садир Жапаров ўз фикр ва қарашларини бугунги Ўзбекистон ва унинг етакчиси Шавкат Мирзиёев фаолияти ва олиб бораётган сиёсати мисолида ифодалашга ҳаракат қилди:

— Бу ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ, — деди у, жумладан. — Менда авторитар бошқарувни ўрнатаман, деган ният йўқ, ундай бўлмайди ҳам. Бунга кучимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етди. Вақти келса, бунинг исботини кўрасизлар. Биз қонунийлик ва адолат диктатурасини ўрнатишга қодирмиз. Аллоҳ насиб этса, бунинг ўрнатилмаси ҳам. Бунга мисол сифатида қўшни Ўзбекистонни айтишим мумкин. У ерда ўтган даврда кучли дик-

татура бор эди. Бунинг дунё ҳам, биз қўшни давлатлар ҳам билганмиз. Шавкат Миромонович Мирзиёев келганидан сўнг диктатурани олиб ташлаб, дунёга эшигини очди. Мана, ҳозир қандай ўзгаришлар бўляпти. Агарда у хоҳласа, ишнинг анъанавий услубида давом эттириб кетса бўларди. Бироқ у бундай қилмади, мамлакатни очди. Қўшнилари ва олис хориждаги давлатлар билан дўстона ҳамкорликни тиклади. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистонга инвестиция кириб, иқтисодий ўсиш бўляпти, халқнинг турмуши янгилянапти. Шу сабабдан ҳам ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ, дейман...

6

Сўзимиз аввалида қирғизистонлик сиёсий таҳлилчининг «...баъзи ўринларда олий раҳбариятлар (қирғиз — ўзбек) ўртасидаги бир-бирини ошқорлаш ҳужумлари, нодўстона лўқма ташлаш ҳолатлари жанжалли вазиятларнинг кескинлашувиغا олиб келган...» деган гапларини беҳиз келтирмагандим.

Аслида вазият шундай эди. Ҳатто сиёсий элиталар ўртасидаги совуқчилик сабаб икки қўшни мамлакат ўртасида бир неча йиллар дипломатик алоқалар ҳам музлаб қолгани бор гап. (Масалан, Ўзбекистон бир муддат, яъни 2010 йилдан 2013 йилгача Қирғизистонга ўз элчисини тайинламаган бўлса, Қирғизистоннинг Тошкентдаги элчиси ўрни ҳам 2010-2011 йилларда бўш турган.) Айни шу ҳодисалар ва Садир Жапаровнинг бугунги кунларимизда «ВВС»га берган интервьюсидаги Ўзбекистон ва унинг Президенти

ҳақидаги мулоҳазалари қардош халқлар ва қўшни давлатлар орасидаги муносабат қисқа муддатда қандай ўзгариб кетганини ифодалаш учун яхши мисол бўла олади, деб ўйлайман.

Шу ўринда мени бир нарса ҳаддан ортиқ қувонтирадики, ардоқли адабимиз Чингиз Айтматов қалбини чуллаган ўзаро дўстлик, қардошлик ва оға-иничиликка бўлган муҳаббат ўти бугун халқларимиз, элларимиз дилларида қайта алангаланмоқда.

Муҳими, бу ишларда барча-барчамизга давлатларимиз раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаров ўрнатган бўлмоқда.

Қудратилла РАФИҚОВ,
сиёсатшунос.

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 12 июлдаги 86-сонидан олинди.

«... Қадим-қадимдан ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўхна Византиянинг Қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимизу юзимиз бўлиб келди. Йўқ, ўзбек халқининг бокира юзига ҳеч нарса доғ туширолмади!..

Чингиз АЙТМАТОВ



Анқарада Ўзбекистон элчихонаси ва Туркия Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича кенгаши (DEIK) «Туркия — Ўзбекистон» қўмитаси ҳамкорлигида давра суҳбати ташкил этилди.

Сенатор ва ҳаёт

Уйчи туманида очиқ мулоқот

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ҳудудларда аҳолининг яшаш тарзи, қизиқиш ва муаммоларини ўрганиш борасидаги ишлари давом этмоқда.

Хусусан, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов Наманган вилоятига хизмат сафари давомида Уйчи туманида очиқ мулоқот ва сайёр қабул ўтказиб, аҳоли муурожаатларини кўриб чиқди.

Ўз навбатида, сенатор аҳоли муурожаатлари бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрди ва ай-

рим масалалар жойида ҳал қилинди.

Шунингдек, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилган ишлар бўйича сенаторнинг ҳисобот учрашуви ташкил этилди. Учрашувда ҳисобот даврида қабул қилинган қонунчилик ташаббуслари, ҳудудларда амалга оширилган фаолият ва аҳоли муурожаатларини кўриб чиқиш жараёни юзасидан батафсил ахборот берилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

ИЖТИМОЙ ЛОЙИҲАЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида Ёшлар парламенти вакиллари ҳамда сиёсий партияларнинг фаол ёшлари билан учрашув ўтказди.

Очиқ мулоқотда асосий эътибор ёшлар билан тизимли ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Учрашув иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар билан сенаторга муурожаат қилди. Бундан ташқари, ёшлар таълим сифати, бандлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаолликни ошириш, маданий-

маърифий лойиҳаларда қатнашиш ҳамда ахборот маконидаги таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни кучайтириш каби масалалар юзасидан ўз фикр ва тавлифларини билдирди.

Яқунда Ёшлар парламенти ва сиёсий партияларнинг фаол аъзолари билан ҳамкорликда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚНИНГ ҲАҚИҚИЙ «ОВОЗИ»ГА АЙЛАНАЁТГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралда имзоланган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони том маънода тарихийлик касб этди. Ушбу ҳужжат билан “Кучли Кенгаш — ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини қайта ташкил қилишга қаратилган янги моделнинг ҳуқуқий пойдевори шаклланди.

Жараён

Бу асосда 33 та муҳим ваколат жойлардаги халқ вакилларига — маҳаллий Кенгашларга ўтказилди. Ушбу ваколатлар жамият ва давлат ҳаётининг ҳал қилувчи масалалари бўйича бевосита халқнинг иродасини ифода этувчи органлар салоҳиятини тубдан кучайтирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғоялари асосида қабул қилинган Ҳарақатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида мамлакатимизнинг демократик қиёфаси ўзгарди. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий янгиланишлар юз бермоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш бўйича кенг қамровли ўзгаришлар амалга оширилиб, маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатлари кенгайрилди.

Янги таҳрирдаги Конституция руҳи маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирди. Эндиликда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш — Сенатнинг мулқ ваколати сифатида белгиланди. Сенат таркибида Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссия ва Ҳудудий

вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ташкил этилди. Бу эса Кенгашлар ўз ҳудудида ўзини ёлғиз эмас, балки Сенат билан елкадош деб ҳис қилиши учун замин яратди. Эндиликда маҳаллий Кенгашлар — ҳақиқий халқ вакили, Сенат эса уларнинг стратегик таянчи сифатида фаолият юритмоқда.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Сенати ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида 20 дан ортқ қарорлар қабул қилди, 700 дан ошиқ қонунчилик ҳужжатларни қайта кўриб чиқилди ва 300 дан зиёд функциялар мақбуллаштилди. Шу билан бирга, “E-Kengash” ахборот тизими жорий этилди ва бу маҳаллий вакиллик органлари билан фуқаролар ўртасида очиклик ҳамда электрон мулоқот имконини яратди.

Албатта, амалга оширилган ишлардан кўра бажарилиши керак бўлган юмушлар кўпроқ. Хусусан, Кенгаш макомининг ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланмагани ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини тўлиқ намоён этишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун Сенат билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш, ҳудудий муаммоларни Сенат орқали Ҳукумат даражасига

етказиш ва уларни тизимли равишда ҳал этиш механизмини такомиллаштиришга ҳам зарурат сезилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиятини самарали ташкил қилиш учун тегишли қафолатлар, ижтимоий ҳимоя, малака ошириш ва тажриба алмашиш тизими, шунингдек, моддий-техник база ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларга эҳтиёж юқори бўлиб қоляпти.

Юқорида тилга олинган маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш зарурати бир қанча жараёнларни талаб қилади. Жумладан, Кенгашларнинг назорат салоҳиятини кучайтириш мақсадида “Кенгаш соати” институти жорий этилади. У орқали ижро органлари раҳбарлари муҳим ижтимоий масалалар юзасидан депутатлар ва жамоатчилик олдида ахборот беради. Шунингдек, ҳоким ўринбосарлари лавозимга номзодлар Кенгаш доимий комиссиялари ҳулосасига асосан муҳокама қилиниб, ўз йўналиши бўйича ҳудудий ривожланиш дастурини тақдим этиш шарт бўлади.

Айни чоғда маҳаллий бюджет маблағларининг қандай ва қаерга сарфланаётгани тўғрисида жамоатчиликка тўлиқ ва шаффоф ахборот берилиши таъминланади. Бу эса маҳаллий бюджетни шакллантириш жараёнига депутатларни жалб этиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигига йўналтирилган қарорлар қабул қилинишига замин яратди. Энг муҳими, аҳоли муаммолари ва ҳудуд манфаатларини жойида ҳал қилиш, уларни республика даражасига етказиш, тизимли ечим топиш таъминлаш мақсадида

“маҳалла еттилиги — туман/шаҳар Кенгаши — вилоят Кенгаши — Сенат” тамойили асосида янги форматда ёндашув жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Бу жойлардаги реал муаммоларни давлат миқёсида эшитиш ва ечим топишга хизмат қилувчи барқарор, изчил ва самарали тизимни шакллантиришда муҳим қадам бўлади.

Албатта, буларнинг бари ўз-ўзидан амалга ошадиган жараёнлар эмас. Бунинг учун зиммаларига катта масъулият юкланаётган маҳаллий депутатлар ҳам “қадамидан ўт чақнайдиган” бўлиши лозим. Шу мақсадда, депутат фаолиятининг қафолатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш, уларнинг асосий иш жойидаги ҳуқуқларини ҳимоя этиш, Кенгаш йиғилишларида қатнашишга тўсқинлик қилмасликни аниқ тартибда белгилаш зарур. Шунингдек, депутатнинг ҳудуддаги давлат ташкилотларига монеликсиз кириши, сессия ва комиссияларда эркин иштирок этиши, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш ҳам бунда асосий омил саналади.

Энг муҳими, депутатлар фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, ахлоқий стандартларни мустаҳкамлаш, мавжуд қонун нормаларининг

Бунда ҳар бир депутатнинг жавобгарлиги, ҳар бир қарорнинг халқ манфаатига қамарбаста бўлиши, ҳар бир ташаббуснинг ҳаётга ақинлиги энг устувор мезон бўлиб қолмоғи лозим. Чунки маҳаллий Кенгашлар энди фақат қарор қабул қилувчи эмас, балки халқнинг дарди эшитиладиган, муаммоси ечиладиган, тақлифи эътиборга олиннадиган энг яқин, таъсирчан ва очик минбарга айланиши зарур. Зеро, янги Ўзбекистонда барча ислохотларнинг марказида битта буюк ғоя турибди, бу — инсон қадрини юксалтириш ғояси.

Ихтиёр БЕКОВ, ТДЮУ профессори, юридик фанлар доктори, Алишер НАЗАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази бўлим мудир.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УСТУВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР КАФОЛАТИ

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.


Айтилганидек, мазкур қонун лойиҳаси таълим соҳасидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ва катта ёшдагиларнинг таълим олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда мактабдан ташқари таълимнинг ҳуқуқий тушунчаси бундай таълим шаклида ўқув марказлари катта ёшдаги фуқароларга чет тилларини ўргатиш

лашуларнинг олдини олишга қаратилган. Йиғилишда қонун лойиҳасидаги нормалар атофлича кўриб чиқилди. Хусусан, депутат З. Мавлонов қонун лойиҳасидаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар қўтарилган саволлар юзасидан батафсил тушунтириш берди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Дала четларида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжат-



мумкин ёки мумкин эмаслиги юзасидан саволларни тугдирмоқда. Амалиётда катта ёшдаги фуқароларга чет тиллари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолияти доирасида ўргатилмоқда. Бироқ “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, кадрларни қайта тайёрлаш таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишни таъминлайди. Кадрлар малакасини ошириш эса касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгиланб борилишига йўл очади, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозимни ошишига хизмат қилади. Қонунчиликдаги мазкур бўшлиқлар қонун талаблари сунъий равишда бузилишини келтириб чиқармоқда.



ларига қўшимча ва ўзгартиришлар қиритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасига биринчи ўқишда фракция аъзолари эътироз билдирган эди. Шуларни ҳисобга олиб, лойиҳа ижодкорлари уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида бир қатор ўзгаришлар қиритгани таъкидланди. Жумладан, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четларидаги каналлар, сугориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш белгиланган майдонларида ҳар йили 1 майга қадар экин экилмаган тақдирда мазкур ер участкасининг экин экилмаган қисми учун ер солиғи ставкаси уч баравар миқдорда оширилган ҳолда ҳисобланиши белгиланб қўйилмоқда. Ваҳоланки, биринчи ўқишга кирган тахрирда муддат 1 апрелга, ер солиғи эса ернинг экин экилмаган қисми учун эмас, балки бутун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлари учун уч баравар солиққа тортиш кўзда тутилган эди.

Муҳокама узоқ давом этди. Фракция аъзолари иккинчи ўқишгача қиритилган ўзгаришлар етарли эмас, деган фикр билдиришди. Қонун лойиҳасининг амалдаги муҳим меъерий ҳўжатларга зид жиҳатлари ҳали ҳам борлиғи айтилди. Яқунда фракция аъзоларининг кўпчилиги қонун лойиҳасини маъқулламай овоз берди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан амалдаги 2 та кодекс ҳамда 3 та қонунга молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддалаштириш, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, яйлов ҳўжалиқларининг молиявий аҳолини яхшилаш, ўзини ўзи банд қилган шахсларни солиққа тортишга оид қонун ҳўжатларидаги номувофиқлик ҳолатларини бартараф этиш, енгил саноат ва хизматлар соҳасини, ипотека бозори ҳамда фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва креатив паркиннинг резидентларини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ имтиёзларини тақдим этишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар қиритилмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳаси билан товарларни халқаро ташиниш ташкил этишда кўрсатилган транпорт-экспедитиш хизматларига нисбатан қўшилган қиймат солиғининг ноль ставкасини қўллаш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш кооперативлари ходимлари учун ижтимоий солиқ ҳамда даромад солиғи ставкасининг 1 фойз миқдориде белгиланиши мазкур соҳа ривожини учун катта туртки бўлиши таъкидланди.

Фракция аъзоси Н. Юсуповнинг фикрича, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатни кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда солиқ тизимидаги адолатли ёндашувни амалга оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан атофлича кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига

Миллий бирдамлик ва тараққиёт асоси

Ўзбекистон мустақиллик йилларида эркин ва суверен тараққиёт йўлига чиқди, миллий манфаатлар устувор бўлган мустақил давлат сифатида шаклланди. Истиқлол халқнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, фуқаролар тақдирига дахлдор қарорларни қабул қилиш, ички ислохотларни амалга ошириш ва ташқи сийосатни юритиш борасида тўлиқ мустақилликка эга бўлди.

10 июль куни Мустақиллиқнинг 34 йиллигига тайёргарлик кўриш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, байрам тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шiori остида ўтказилиши белгиланди. Бу ғоя мамлакатда давлат ва жамият ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга, миллатнинг тарихий онги ва истиқлол қадриятини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қарор билан халқимизнинг маънавий дунёси, ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйғуларини акс эттирадиган “Она диёр — ранглар жилосида”, “Ватан учун ашайлик!”, “Энг улуг, энг азиз” каби кўрик-танловлар, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш ҳам белгиланган бўлиб, бу тадбирлар байрамни

кенг нишонлаш билан биргаликда, одамларга мустақиллиқнинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлашда барча бирдек масъул эканлигини англатишда муҳим ўрин тугади.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар, адабий-бадий кечалар, миллий кино кунлари ва спорт мусобақаларида одамлар фаол иштирок этиб, бу кунни ҳурсандчилик билан ўтказиш аънаъига айланиб улғурди.

Истиқлол — бебаҳо неъмат. Уни кўз қорачиғидай асраш, айниқса, бугунги глобал хатарлар, геосиёсий бекарорлик ва геоиқтисодий хавфлар, эртага нима юз беришини айтиб бўлмайдиган давр-

да жуда муҳим. Бундай шароитда мустақиллик нафақат бахт, балки катта масъулиятдир.

Шу боис ҳар бир фуқаро ўзини мамлакат тақдирига дахлдор, деб ҳис этиши, фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши талаб қилинади. Бу мустақилликни асраб-авайлаш ва уни келажақ авлодларга муносиб тарзда етказишнинг ягона қафолатидир.

Шундай экан, бу жараёнда халқимиз, аҳолиимизнинг муносабати қандай бўлиши керак?

Фикримча, аввало, ҳар бир инсон ўзини Ватан, истиқлол ва миллат тараққиёти учун жавобгар деб ҳис қилиши, дахлдорлик туйғуси янада кучли бўлиши лозим. Шунингдек, мустақиллиқнинг қадрини англаш ва унга муносиб ҳаёт кечириш, ёш авлод қалбиде миллий фахр ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш чораларига эътиборни кучайтириш керак. Айниқса, ёшларни янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида тарбиялаш, уларга замонавий билим ва технологияларни ўргатиш, уларни

қўллаб-қувватлашга қаратилган вазибалар собитқадамлик билан амалга ошириб борилиши муҳим саналади.

Бу йўлда барча даражадаги институционал тузилмалар — оила, маҳалла, таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, парламент — барча-барчаси ҳамжиҳатликда иш олиб бориши зарур. Зеро, Истиқлол ғояси халқимизни бирлаштирувчи маёқ, ҳеч ким яна қайтадан истибод бўйинтуруғи бўйича осилишини истамайди.

Ўзбекистон бугун катта йўлга чиққан ва ортга қайтмайди, ўз танлаган йўлида янада кучли ва мустаҳкам бўлиб, тараққиёт сари дадил илдамламоқда. Бу йўлда барқарор тараққиёт ва глобал рақобатда муносиб ўрин эгаллашга интилаётган давлатга айланди. Бунинг учун эса халқнинг яқдиллиги, фаол иштироки ва келажакка бўлган ишончи асосий омил ҳисобланади.

Азамат ПАРДАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖОЙЛАРДА САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш орқали одамларни ҳаётдан рози қилиш — янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадига айланган.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган бекиёс ўзгаришлар одамлар турмуш шароитида чуқур акс этмокда. Барпо қилинаётган янги массивлар, ижтимоий объектлар, яратилаётган инфратузилма иншоотлари, йирик лойиҳалар татбиқ этилаётган корхоналар аҳоли турмуш тарзини тубдан ўзгартяпти, уларнинг давлат ислоҳотларига бўлган ишончи тобора кучаймокда.

Ушбу ўзгаришларни давом эттириш ва бу борада давлат органларининг самарадорлигини ошириш масаласи доимо эътиборда бўлиб келган. Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ислоҳотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар тахлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида долзарб вазифалар қўриб чиқилгани, муҳим ташаббуслар илгари сурилгани бежиз эмас.

Бинобарин, мамлакатимизда шу йилнинг 5 оий давомида ижтимоий-иқтисодий соҳада сезиларли натижаларга эришилгани қайд этилди. Жумладан, sanoat 6.4 фоиз, экспорт миқдори 18 фоиз, хорижий инвестициялар жалб қилиш 46 фоизга ошган. Қўймати 3 млрд. долларлик 2,5 мингдан зиёд янги қувватлар ишга тушган, 2 млн. 400 минг аҳоли-миз даромадди бўлган.

Бироқ ҳозирги таҳликали замонда дунёда турли моҳаролар авж олиб, савдо оқалари ва логистика қийинлашяпти. Ушбу вазиятда тинчликни қадрлаш, адолатни таъминлаш ва инсон қадрини улуғлаш масалалари долзарб бўлиб бормокда.

Йиғилишда аҳолининг дарду ташвишларини эшитиб, одамларга шароит яратиб бериш раҳбарларнинг асосий вазифаси экани, ҳокимлар ва вазирлар ўз имкониятларини тўғри баҳолаши, ташаббус кўрсатиб ишлаши, аҳоли ва бизнес вакиллари билан мулоқотни янада кучайтириб, муаммоларни тез-тез ҳал қилиб бориши зарурлиги кўрсатилди.

Худудлардаги ислоҳотлар натижадорлиги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим мезони сифатида белгиланди. Туман бўғини самарали ишламаса, қўзланган мақсадларга эришиб бўлмаслиги таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз фаолиятида ҳудудлардаги вазият билан яқиндан танишиш, аҳолини ташвишлантираётган масалаларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келмокда.

Аёнки, режага мувофиқ депутатлар ҳар ой ҳудудларга бориб, сайловчилар билан мулоқот қилади. Бу гал ҳам депутатлар жойларда бўлиб ўзига бириктирилган, ўзи сайланган ҳудудда ислоҳотларнинг бажарилиши суръати билан танишди.

Эътироф

Шакаржон Хўжаниёзова номидаги танлов ғолиблари аниқланди

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида кўп йиллар давомида эл-юрт учун фидокорона хизмат қилган давлат ва жамоат арбоби Шакаржон Хўжаниёзова таваллудининг 70 йиллигини кенг нишонлаш, хотирасини абадийлаштириш ҳамда вилоятдаги фаол хотин-қизлар ўртасида Шакаржон Хўжаниёзова номидаги танлов ўтказиш бўйича топшириқ берган эди.



Урганч шаҳрида мазкур танловнинг финал босқичи ўтказилди. Хотин-қизларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамият ҳаётида фаоллигини ошириш, раҳбарлик фазилатларини рағбатлантиришга қаратилган танловда турли соҳаларда фаолият юритаётган ташаббускор опа-сингилларимиз иштирок этди.

Ҳақамлар ҳаёяти қарорига кўра танловнинг яқини босқичида Бону Ўткирова биринчи ўринни, Шахноза Қаландарова иккинчи ўринни, Кувонч Шержонов ва эсдалик совғалари топширилди.

Низомга мувофиқ ушбу танлов бундан буён анъанавий тарзда ўтказиб борилади.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Хусусан, Тошкент вилоятида ҳам аҳоли билан навбатдаги учрашувлар ташкил этилди.Охирги йилларда вилоятни “ўсиш нуқталари”га таянган ҳолда иқтисодий ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмокда.

Чиноз тумани мисолида айтидиган бўлсак, қабул қилинган алоҳида дастурлар асосида мазкур ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, sanoat ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ва бошқа йўналишлар бўйича идора, ташкилотлар фаолияти ташкил этил-

“Даромади мавжуд бўлмаган шахсларни иш билан таъминлаш, тазйиқ ва зўравонликка учраётган аёлларнинг самарали ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бор ёшлар билан манзилли ишлаш каби ижтимоий профилактика чоралари профилактика инспекторлари ва бошқа “маҳалла еттилиги” аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик орқали амалга оширилмокда.

ганини айтиш ўринли. Масалан, жорий йилнинг 6 оий давомида 8 та маҳалланинг жами 23,6 км. ички кўчалари таъмирланган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2 та янги сув иншооти қурилган, 3 та сув иншооти мукамал таъмирланган ва 7,5 км. га қувурлар тортилиш натижасида 620 та хонадонга обиҳаёт кириб борган.

Аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида 5 та кўп қаватли уй-жойнинг фасад ва том қисмлари, шунингдек, 3 та умумтаълим мактаби мукамал таъмирланди, қўшимча 930 ўринли ўқув бинолари фойдаланишга топширилди.

Туманда бошқа соҳада ҳам тизимли ишлар амалга оширилмокда. Бироқ режаларда белгиланган бўлса-да, бажарилмаган ишлар ҳам бор. Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгаши томонидан мазкур ишларнинг ҳолати юзасидан ҳудуддаги ижро ҳокимияти органлари устидан депутатлик назорати ўрнатиб келинмокда.

Тумандаги учрашувлар давомида халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотлар, Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик ҳамда Ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссиялари қўшма мажлисида иштирок этди.

Мажлисида депутатлар туманда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, инвестицияларни жалб қилиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, ташаббусли бюджет жараёнида ғолиб бўлган лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари, масъул идоралар раҳбарларига саволлар берилди ва ушбу соҳаларда белгиланган ишларни ўз вақтида бажариш, зарур ҳолларда ташаббус кўрсатиш кераклиги таъкидланди.

Аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ечишга алоҳида эътибор қаратилди. Туман тиббиёт бирлашмаси тузилмасидаги ташкилотлар-

да коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича қилинаётган ишларни янада кучайтириш, ушбу ташкилотлар фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган режалар белгилаб олинди.

Шунингдек, туманда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича соҳа идоралари томонидан қилинаётган ишлар ўрганилди.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги қарори билан ушбу соҳада аниқ вазифалар белгилаб берилди. Улардан келиб чиқиб Чиноз тумани, шунингдек, ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирларнинг “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Унга асосан ҳар бир “маҳалла еттилиги” ўз ҳудудида жиноятчиликнинг профилактикасига қаратилган ишларни ташкил

қилган. Даромади мавжуд бўлмаган шахсларни иш билан таъминлаш, тазйиқ ва зўравонликка учраётган аёлларнинг самарали ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бор ёшлар билан манзилли ишлаш каби ижтимоий профилактика чоралари профилактика инспекторлари ва бошқа “маҳалла еттилиги” аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик орқали амалга оширилмокда.

“Е-ijitmoiy profilaktika” ахборот тизимида ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш бўйича “маҳалла еттилиги” орасида ҳулосалар шакллантирилмокда ва ижрога қаратилмокда, ҳар бир ҳулоса ижроси устидан кунлик идоровий назорат механизмлари жорий этилган.

Туманда жиноятчиликнинг профилактикасига оид бошқа чоралар ҳам кўрилмокда. Хусусан, қузатув видеокамераларни ва “ташвиш тугмалар”ни ўрнатиш, “хавфсиз кўча” ва “хавфсиз йўлак”ларни кўпайтириш бўйича масъуллар бириктирилиб, ишлар амалга оширилмокда.

Ўрганишлар ушбу соҳада ишга солинмаган имкониятлар борлигини кўрсатди. “Маҳалла еттилиги” томонидан ижтимоий профилактика ишларининг манзиллилигини ошириш, ушбу ишларга маҳалладаги нуроний ва фаолларни жалб этиш, профилактика инспекторлари томонидан жиноятчиликка оид маҳалланинг таҳлилни тўғри ташкил қилиш борасида тавсиялар берилди.

Ички ишлар органлари ва ҳокимият вакиллари жамоат жойларини рақамлаштириш камровини оширишда “маҳалла еттилиги” салоҳиятидан унумли фойдаланиш, криминоген вазияти оғир ҳудудларда доимий тарзда янги услубларни ишлаб чиқишни ўзига вазифа сифатида белгилаб олган.

Албатта, бу борада давлат раҳбари ҳузурда 8 июль куни маҳаллада жиноятчиликни жиловлашга оид ўтказилган тақдимотда “бутун тизимни пастга тушириб, ҳар бир маҳаллани “жиноятчиликдан холи ҳудуд”га айлантириш” бўйича белгиланган вазифа ҳар бир маҳалла учун устувор мақсад бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, белгилаб берилган топшириқлар, шубҳасиз, ислоҳотларнинг самарадорлигини оширади ҳамда ҳар бир давлат ташкилоти вакилини, ўз навбатида, депутатларни ҳам ҳар қачонгидек кўпроқ интизом ва режа билан ишлашга чорлайди.

Улўғбек ШЕРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофиа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

ТАБИАТНИ АСРАШ — ТИРИКЛИКНИ АСРАШ ДЕМАК

Иқлим ўзгаришлари, ҳароратнинг кескин кўтарилиши ҳамда сув танқислиги — глобал масала. Бугунги кунда бу муаммо мамлакатимиз ҳудудида жойлашган кўп йиллик дарахтлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатмокда. Зеро, ёзги ҳаво ҳарорати одатдагидан анча юқори бўлиши, глобал иқлим ўзгариши билан эмас, балки маҳаллий экологик муаммолар, хусусан, дарахтлар сонининг камайиб бораётгани ва мавжуд ашил ҳудудларнинг қаровсиз қолаётгани билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Фикр

Афсуски, сўнгги пайтларда айрим маҳаллаларда, истироҳат боғларида ҳамда йўл ёқалари бўйлаб екилган ва мавжуд дарахтлар қуриб қолаётгани ёки кесиб ташланаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу билан гўё дарахтлар ҳароратни мўътадиллаштирувчи энг самарали ва арзон восита эканини унутиб қўлгандекмиз. Улар ҳавони нафақат ксилород билан бойитади, балки ўзининг сояси, барглари билан атрофдаги ҳароратни бир неча даражага пасайтиради.

Бинобарин, дарахтлар — нафақат табиат гўзаллиги, балки ҳавонинг тозаллиги, соя-салқинлик, экологик мувозанат ва инсон саломатлиги учун ҳам муҳим манба. Уларга бепарволик билан муносабатда бўлиш эса келажақ авлодга қолдирилади-

Қулайлик

Маҳалла идораси учун замонавий бино

Марҳамат туманидаги Хўжаариқ маҳалласида яқинда фуқаролар йиғини идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

— Кундалик ҳаётимизда учрайдиган кўпгина муаммо ва масалалар айнан маҳалла идорасида ҳал этилади. Шу маънода, бу бино нафақат биз, маҳалла масъуллари, балки аҳоли учун ҳам катта им-

коният яратади, — дейди маҳалла раиси Ёлқинбек Абдиев. — Аввалги идорамиз жуда тор ва абгор ҳолатда эди. Янги бинода эса ҳар бир йўналиш — профилактика, хотин-қизлар, ёшлар, тадбиркор-

лик, фуқароларни қабул қилиш учун алоҳида хоналар ажратилган. Мажлис-лар зали, меҳмонларни кутиш хонаси, кутубхона ва ахборот бурчаклари ҳам мавжуд.

Хўжаариқ маҳалласида 3 750 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Илгари маҳалла идораси фаолият кўрсатган эски бинода

3 та тор хонанинг ўзида 5-6 нафар ходим жойлашган, аҳолини қабул қилишда ҳам қийинчиликлар туғиларди. Янги бинодаги қулайликлар энди маҳаллада мурожаат ва муаммоларнинг тезкор ҳал этилишига хизмат қилади.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА....

Шу кунларда Фарғона вилоятида сентябрь ойида бўлиб ўтадиган халқаро анжуманларга қизгин тараддуд кўрилмокда. Гап шундаки, 19 — 21 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида III халқаро хунармандчилик фестивали ҳамда унга ҳамоҳанг Риштон туманида II халқаро кулолчилик форуми бўлиб ўтади.

Фарғона нуфузли халқаро анжуманлар арафасида

— Ушбу фестиваль ва форум доирасида қатор маданий-маърифий тадбирлар кўзда тутилган, — дейди Фарғона вилоти ҳокими ўринбосари Хуршиджон Аҳмедов. — Хусусан, фестиваль қатнашчилари учун маҳаллий ва хорижий хунармандлар маҳсулотларининг кўргазма-савдолари ташкил этилади. Ўз навбатида илмий конференциялар, модалар намоиши, халқ сайиллари, дорбозлик томошалари, фольклор жамоаларининг концерт дастурлари, пазандачилик танловларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Анжуман меҳмонлари учун Қўқон шаҳри ва Риштон туманининг маданий-кўнғилочар масканлари ҳамда туристик йўналишлари бўйлаб саёхатлар уюштирилади.

Юртимиз қовунлари Швецияда ҳам харидоргир

Фарғона вилоятида етиштирилган мева-сабзавотлар ва қурилган меваларни ҳаҳон бозорига экспорт қилиш қўлами тобора кенгайиб бормокда.

“Fergana Exim Agro” масъулияти чекланган жамияти томонидан яқинда Швецияга “Торпеда” ва “Оби новвог” навли қовунлар етказиб берилди. Эътиборлиси, мамлакат пойтахти Стокгольм шаҳрида бу қовунлар ҳозорларга жуда манзур бўлиб, қўшимча яна 20 тонна буюртма қилинди.

МЧЖ раҳбари Ёрқинжон Иномовнинг айтишича, Швеция бозори яқин истиқболда юртимиз соҳибкорлари учун муваффақиятли йўналишга айланиши аниқ. Бу билан ўзбек қовунини Европа қитъасида кенг оммалаштириш имкони ҳам яратилади.

«Яшил» технология тамойилига мос техникалар

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг Фарғона вилоти филиалида янги пахта териш машиналарини йиғишга киришилди. Белгиланган режа асосида Хитойдан 300 та ана шундай машина қисмлари олиб келинади. Маҳаллий шароитда бугунги кунга қадар уларнинг 100 га яқини тўлиқ йиғилиб, тайёр ҳолга келтирилди.



Замонавий техникалар ёнилги тежамкор, пахтани эса тоза ва сифатли теради ҳамда бошқа фойдали хусусиятлари билан “яшил” технологиялар тамойилига мос келади.

— Малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ўқув машғулотлари ҳам йўлга қўйилди, — дейди Фарғона вилоти ҳокими ўринбосари Алибек Турсунов. — Айни жараёнда иштирокчиларнинг ушбу техникадан фойдаланиш бўйича назарий ҳамда амалий билимлари оширилаётди. Ўқув курсини муваффақиятли яқунлаган мутахассислар бундай пахта териш машиналарини бошқариш ҳуқуқига эга бўлади.

«Қўқон» ЭИЗда металл панелли радиаторлар ишлаб чиқарилади

Учкўприк туманидаги “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида “Thermo Tech” масъулияти чекланган жамияти томонидан металл панелли радиаторлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 30 млн. доллар бўлиб, бу йилига 900 минг дона панелли радиатор ишлаб чиқариш имкони беради. Шу мақсадда Италия ва Туркиядан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди ҳамда 300 та янги иш ўрни яратилди.

— Истикболли лойиҳани амалга ошириш учун 5 млн. доллар ҳажмида ўз маблағимиз ва 25 млн. доллар хорижий инвестиция жалб этилди, — дейди тадбиркор Зиёвуддин Юрсунов. — Дастлабки босқичда йилга 600 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Йўл-йўлакай ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт қўламини ошириб боришни мақсад қилганимиз.



Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

КАТТА ШАҲАРНИНГ

Кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган урбанизация жараёнлари туфайли шаҳарларимиз тобора чирой очиб, дунёнинг энг ривожланган мегаполисларидан қолишмаяпти. Лекин шу билан бирга ҳаётимизга ўша улкан шаҳарларга хос бўлган муаммолар кириб келаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Дейлик, ҳавонинг ифлосланиши, тирбандликлар, автомобиль тураргоҳларининг етишмаслиги каби ўз ечимини кутаётган муаммолар қаторида энди электросамокатлар масаласи ҳам бор. Бир қарашда кичик — арзимасдек кўринадиган бу муаммо аслида инсон хавфсизлиги билан боғлиқ бўлиб, унга эътиборсиз қараш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.



«КИЧИК» МУАММОСИ

Ёшга доир чекловлар ҳам бор. 14 ёшдан кичик болалар электросамокатларни фақат тураржой даҳалари, истироҳат ва ҳайвонот боғлари, болалар майдончалари, кўнгилчоҳар жойларда ҳамда ёпиқ ҳудудларда бошқариши мумкин. Бундан ташқари, бир ёки бир нечта индивидуал ҳаракатланиш воситаларини шатакка олиш, рулни ушламасдан ёки бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш, одам ёки юл ташиш, ҳаракат чо-

ришмайди — тўлов қилишадди. Бу муаммо устида бош қотирган мутахассислар, аввало, бир жиҳатни таъкидлашди: электросамокатлар — кўнгилхушлик воситаси эмас. У инсонга зарурат туғилганда А нуқтадан Б нуқтага бориш учун қулайлик яратишга хизмат қилиши керак. Бизда эса самоватлардан, асосан, ёшлар кечки пайт ёки ярим тунда сайр қилиш, тезликдан завқ олиш учун фойдаланишяпти.

Балки бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқдир. Лекин самоватларни ижарага олган ёшлар йўл ҳаракати қоидаларини билмаслиги ёки била туриб, унга амал қилмаслиги хатарли вазиятларни юзага келтиряпти. Қарорда "индивидуал ҳаракатланиш воситаларини бошқардиган шахслар ҳаракат давомида йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиши керак"лиги белгилаб қўйилган бўлса-да, уларга бу қоидаларни ўргатиш ва риоя қилинишини назоратга олиш механизми яратилмаган. Ҳар қандай одам, қоидаларни билиш ёки билмаслигидан қатъи назар, электросамокатни ижарага олиши мумкин.

Бугунги кунда электросамокатларни ижарага берувчи айрим операторлар уларда ҳаракатланиш бўйича қисқача курслар ташкил этипти, иловаларига эслатмалар киритишяпти, интернетда видеоқўлланмалар чиқаришяпти. Бироқ бу етарли эмас. Шундай тартиб ўрнатиш керакки, бунда зарур қоидаларни билмайдиганлар электросамокатларни ижарага олиш ҳуқуқига эга бўлмасин! Масалан, ташкил этилган ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификат QR-кодини киритмасдан туриб, электросамокатни ҳаракатга келтириб бўлмайдиган қилиб қўйиш мумкин. Замоновий технологиялар бунга имкон беради.

Ҳайвонотнинг масалалардан яна бири — шаҳарларимиз инфратузилмасининг индивидуал ҳаракатланиш воситаларига мослаштирилмагани. Масалан, Пекинда сиз электросамокатга миниб, махсус йўлаклар орқали ҳаракатланган ҳолда шаҳарнинг исталган жойига боришингиз мумкин. Манзилга етгунингизча бирор марта йўлнинг автомобиллар учун мўлжалланган қисми бўйлаб юришга мажбур бўлмай-

Электросамокатлар — нисбатан кам жойини эгаллаши, экологияга зарар етказмаслиги жиҳатдан шаҳар шароити учун келажак транспорти. Лекин унда ҳаракатланиш хавфсизлиги таъминланмас экан, жамият учун жиддий муаммоларни келтириб чиқараверади. Шундай экан, мамлакатимизда ушбу транспорт воситасидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз, амалдаги қоидаларга риоя қилинишини қатъий назоратга олишимиз талаб этилади. Бу ҳар биримизнинг хавфсизлигимизни таъминлаш учун керак.

Жамолиддин ТЎХТАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 9 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида йўл инфратузилмасини яхшилаш, хавфсизликни таъминлаш, тирбандликларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинган экан, йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириш масаласига урғу қaratилгани беҳиз эмас. Кўпчилик ҳайдовчилар кунда-кунора ўз бошидан ўтказадиган бир ҳолат: ярим тунда ишдан ҳориб чиқасиз ва рулга ўтириб, йўлга тушасиз. Ва шу заҳоти кўча чироқларининг гира-шира ёруғида атрофингиздан электросамокатда сайр қилаётган ёшлар ўта бошлайди. Улар бир-бирлари билан қимўзарга ўйнашди, завқланиб қичқиришди. Баъзан ҳеч иккиланмасдан ҳаракат йўналишига тескари юриши, светофорнинг қизил чироғида чорраҳани кесиб ўтиши ҳам мумкин. Яқинлашиб келаётган автомобилга эса мутлақо эътибор қилишмайди. Шунда сиз ноилоҳ тезликни пасайтириб, уларнинг узоклашишини кутасиз. Чунки Худо кўрсатмасин, тўқнашув юз берса, бундан, аввало, самоватдаги бола жаҳр кўради. Сиз эса бунинг учун ўзингизни кечира олмаслигингизни биласиз...

Бу муаммо фақат бизгагина хос эмас. Индивидуал ҳаракатланиш воситалари (электросамокатлар ҳам шулар жумласига киради) бутун дунё бўйлаб кўпчиликни ташишга сола бошлаганига анча бўлди. Масалан, Буюк Британияда 2021 йил 10 нафар фойдаланувчи тўқнашув оқибатида оламдан ўтган, 331 нафари оғир жароҳат олган. Германияда 2022 йилда электросамокатлар иштирокида жами 442 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Францияда электросамокатлар 27 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Хусусан, Парижда 3 киши ҳаётдан кўз юмган ва 459 одам жароҳатланган.

Вазият жиддийлиги боис хорижий мамлакатларнинг ҳукуматлари қўрилмалардан фойдаланишнинг тартибга солишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни кўришмоқда. Хусусан, 2022 йилдан буён Хельсинкида дам олиш кунлари ярим тундан кейин электросамокатларни ижарага олиш мумкин эмас. Японияда электросамокатда давлат рақами ва ён ойналари бўлиши талаб этилади. Буюк Британияда ундан фойдаланувчи тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шарт. Дания, Испания ва Норвегияда минимал техник стандарт сифатида махсус дубулга кийиш жорий қилинган. Россияда 2023 йилдан бошлаб юк ва йўловчи ташиш қатъиян тақиқланган.

Франция эса бу борада энг кескин чоралар кўрган мамлакат. Парижда 2023 йил 1 сентябрдан электросамокатларни ижарага бериш тўлиқ тақиқланди. Чунки шаҳар ҳокимияти ўтказган референдумда қатнашган 100 мингдан зиёд аҳолининг 90 фоиздан ортиғи айнан шундай чора кўришни ёқлаб овоз берди. Натижада Париж бу тақиқни жорий этган Европадаги биринчи шаҳар бўлди.

Ўзбекистон бўйича, афсуски, индивидуал ҳаракатланиш воситалари иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида алоҳида статистик маълумот йўқ. Бироқ бундай ЙТХ бизда

Тошкентда велосипед йўлаклари жуда кам ва бори ҳам қисқа масофали бўлиб, тўсатдан тугаб қолади. Маълумки, бизда велойўлаклар пиёдалар йўлагидан фақат ранглар билан фарқланади. Ўртада тўсиқ йўқ. Бу эса пиёдаларнинг ўзларига ажратилган йўлакда хотиржам ҳаракатланишига имкон бермайди. Пиёдалар ёнларидан нисбатан катта тезликда ўтаётган велосипед ва электросамокатлардан хавотирланиб туради.

афзалликларига эга. Хусусан, улардан қисқа масофаларга боришда фойдаланиш тақсиди ҳаракатлангандан кўра арзон бўлиш билан бирга тирбандликларнинг камайишига хизмат қилади. Бироқ электросамокатлар йўлларда автомобиллар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади, пиёдалар йўлагига қариялар, болалар ва ногиронлиги бўлганлар учун хавф туғдиради. Бундан ташқари, йўлнинг қатнов қисмига ташлаб кетилган самоватлар ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Мана шу камчиликлар электросамокатларни ҳаракатланиш учун хавфли воситага айлантирмоқда. Бунда нафақат самоватда ҳаракатланаётган шахс, балки йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ҳам хавф остида қолади.

Кўчаларимизда индивидуал ҳаракатланиш воситаларининг кўпайиши мамлакатимизда ҳам бу борада хавфсизлик чораларини белгилаб берувчи тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш заруратини уйғотди. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 июлдаги қарорига кўра индивидуал ҳаракатланиш воситалари велосипедларга тенглаштирилган бўлиб, уларни бошқараётган шахсларга янги жорий этилган 3.34 белгиси ўрнатилган жойларда ҳаракатланиш тақиқланади. Шунингдек, улар велосипедчилар ва пиёдалар учун махсус йўлаклар мавжуд бўлганда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиш мумкин эмас. Пиёдалар ўтиш жойларида эса электросамокатлар миниб эмас, етаклаб ўтилиши керак.

рўй бермаган деб ҳам айта олмаймиз. Мамлакатимизда электросамокатларни қисқа муддатга ижарага бериш (кикшеринг) хизмати илк бор 2022 йилда Тошкентда йўлга қўйилган. Бу ишни дастлаб "YOTO CORP" масъулияти чекланган жамияти бошлаган бўлса, айни пайтда бутун мамлакат бўйлаб ўнлаб тадбиркорлик субъектлари ("Kicker", "Sun", "City Bike", "Jet", "IZZI" ва бошқалар) шу бизнес билан шуғулланади. Бундан ташқари, "Яндекс Go" орқали ҳам самоват ижарага олиш имконияти бор. Ҳар қандай одам кўчаларга ёндош ҳудудларда териб қўйилган электросамокатларни смартфонга юклаб олинган мобил иловалар орқали маълум тўлов эвазига ижарага олиши мумкин. Бунда миқдорнинг ёши, йўл ҳаракати қоидаларини қай даражада билиши, соғлиги ва бошқа ҳолатларини назорат қилиш имконсиз.

Албатта, экологик тоза ҳаракатланиш воситаларидан бири сифатида электросамокатлар ўз

ғида телефондан фойдаланиш ҳам тақиқланган. Қарорда белгиланишича, индивидуал ҳаракатланиш воситаларини бошқардиган шахслар ҳаракат давомида йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишлари шарт. Улар пиёда ва велосипед йўлақларида соатига 10, улар бўлмаганда эса йўлнинг ўнг четки қисмида соатига 20 километрдан юқори бўлмаган тезликда ҳаракатланиши лозим. Бунда индивидуал ҳаракатланиш воситаси қатъий равишда ҳаракат йўналиши бўйича бошқарилиши керак.

Қарорда бундай ҳаракатланиш воситаларининг жиҳозланиши бўйича ҳам шартлар белгилаб қўйилган бўлиб, шунга кўра улар олд томонидан фара чироқлари ва орқа томонида огоҳлантириш чироқлари ёки нур қайтаргичлар билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Вазирлар Маҳкамаси қароридан яна қатор қоидалар белгиланган. Бу ерда фақат мавзуга оидларигагина келтириб ўтилди. Қонунчилик билан мазкур қоидаларга амал қилганлиги учун жарималар ҳам белгиланган.

Кўриб турганингиздек, қонун-қоидалар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан анча пухта ўйланган. Агар уларга тўлиқ риоя қилинса, бирор эътироз бўлиши мумкин эмас. Лекин, афсуски, кўп ҳолатларда индивидуал ҳаракатланиш воситасини бошқараётганлар бу қоидалардан мутлақо беҳабар. Айниқса, ёшлар бундай воситаларни ижарага олаётганда, уларга нима мумкин-у, нима тақиқланганини ўйлаб ҳам ўти-



ВАКИЛЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА СОВРИНДОР

Қирғиз Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида спорт курашлари бўйича ёшлар (U-20) ўртасидаги Осиё чемпионати ўз якунига етди.

Эркин курашчиларимиз қитъа биринчилигининг иккинчи кун дастуридан ўрин олган баҳсларда биттадан олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритди. 92 килограммгача вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Шерзод Поёнов финалда эронлик Тухид Амирани Нурийни 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, икки карра Осиё чемпионига айланди. Ҳамюртимиз 2024 йили Таиландда ўтган чемпионатда ҳам олтин медалга эга чиққанди.

Умархон Мўйдинов (-74 кг.) мурасасиз курашларда кумуш, Абдуллоҳ Ҳабибуллаев (-61 кг.) бронза медалларига сазовор бўлди.



АНВАР АНВАРОВ ЎЗ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Финляндиянинг Йозенсуу шаҳрида энгил атлетика бўйича халқаро мусобақа ташкил этилди. Унда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Анвар Анваров олтин медалга сазовор бўлди.

Эътиборлиси, ҳамюртимиз сўнгги уринишда 8.25 метр узунликка сақраб, бир неча ҳафта муқаддам Тошкентда ўтган халқаро турнирда ўзи ўрнатган мамлакат рекорди (8,23 метр)ни янгилади ва мазкур натижа турнирда олтин медал келтирди. Иккинчи ўрин кубалик Аниэль Молина, учинчи поғона мезбонлар вакили Кристиан Пуллага насиб қилди.

Мазкур мусобақанинг аёллар ўртасидаги баландлик сақраш дастурида иштирок этган Барно Сайфуллаева 1,85 метрлик уринишлар ҳисобига кўра бронза медални қўлга киритди. Луизе Экман (Швеция), Элла Миккола (Финляндия) мос равишда биринчи ва иккинчи ўриндан жой олди.

ЯККАЛИК БАҲСЛАРИДА 13 ТА МЕДАЛЬ

Корея Республикасининг Мужу шаҳрида уч кун давом этган таъвоқдо бўйича "WT Diamond Games" турнири якунланди.



Мусобақанинг сўнгги куни доирасида яккалик беллашувлар ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоасининг 16 нафар вакили иштирок этиб, уларнинг 13 нафари шохсупадан жой олди. Спортчиларимиз кун якунида 8 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритди.

Жаҳонгир Худойбердиев (-58 кг.), Диёрбек Тўхлубоев (-68 кг.), Озодбек Мамадалиев (-80 кг.), Ёдгорбек Жўрабоев (+80 кг.), Мадина Шониезова (-49 кг.), Шаббона Абдувалиева (-57 кг.), Озода Собиржонова (-67 кг.), Светлана Осипова (+67 кг.) — олтин, Омонжон Отажонов (-58 кг.), Азизбек Абдуқодиров (+80 кг.) — кумуш, Камронбек Мансуров (-58 кг.), Мирдиёр Мирайимов (-58 кг.), Севинч Хайитова (-67 кг.) бронза медалларига эга чиқди.

ЖАНГ МАНЗИЛИ ЎЗГАРДИ

Шу йилнинг 14 сентябрь куни профессионал боксинг иккинчи энг энгил вазн тоифасидаги мутлақ чемпионлик баҳси ўтказилди.

Мазкур супержангда "WBA Interim" камари соҳиби, юртдошимиз Муроджон Аҳмадалиев япониялик чемпион Наоя Иноуэ билан тўқнаш келади. Аввалроқ бу жанг Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилиши ҳақида хабарлар тарқалганди. Аммо кунга кеча мезбон томонни бўлажак учрашуви расман тасдиқлаб, турнир Нагоя шаҳридаги "IG Arena" мажмуасида бўлиб ўтиши ҳақида хабар берди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "IG Arena" янги қуриб битказилган иншоот бўлиб, 17 минг мухлисни ўз бағрига сиғдира олади ва Япониядаги энг йирик спорт мажмуасидир.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Бухоро давлат педагогика институтини жамоаси институт ректори Баҳодир Маъмуровга волидаи мухтарамаси	"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари тахририяти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист
Матлаб МАЪМУРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Суннатилла САЙДАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Дубайда бўлиб ўтган 57-халқаро кимё олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасининг барча аъзолари голибликни қўлга киритди — 2 тадан олтин ва кумуш, жами 4 та медалга эга бўлди.

Барчамиз учун Ватан битта! Битта мақсад бизни бирлаштиради.

У ҳам бўлса, Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Барҳаёт сатрлар

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ шоири.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун Ватан дея еру осмонин,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор,
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшим севгимга сабаб?
Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларин жаннат деб кўз-кўз этаман,
Нечун ардоқларкан тупроғини мен?
Ўпаман: “Тупроғинг бебаҳо, Ватан!”

Аслида тупроқни одил табиат
Тақсим айлаган-ку Ер юзига тенг.
Нечун ушроқ деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?!

Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музикаларга элган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар,
Майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
Севган фарзанд бўлса кечирма асло!

Ватан ва ватанпарварлик ҳақида мақоллар

*Ватани борнинг бахти бор,
Меҳнати борнинг — тахти.*

Ватансиз инсон — куйсиз булбул.

*Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас.*

Қоятошларга битилган ўтмиш сирлари

Ватанимиз инсоният маданий тараққиётининг қадимий марказларидан бири ҳисобланади. Чунки археологлар ўлкамизнинг тоғ ва тоғолди худудларида, горларда қоятош ёдгорликлари, яъни тош юзаларига ишланган одам, хайвон, қурол-яроғ, уй-рўзгор, кийим-бош ва бошқа буюмларнинг тасвирларини кўриб, кўплаб муҳим маълумотларга эга бўлишган.

Мозийдан садо

Ўзбекистондаги қоятош расмлари мазмунан бой, тасвирий жиҳатдан хилма-хил. Улардаги одамлар, ов жараёнлари, хайвонларнинг ўзаро уриш-шаётгани, шер, йўлбарс, қоплон каби йиртқич хайвонларнинг тўқнашуви ифода этилган манзаралар киши эътиборини тортади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғолди худудларида мезолитдан кейинги Ўрта асрларга қадар хронологик давомийликда 180 дан ортқ қадимий қоятош суратлари сақланган жойлар топилган. Ёдгорликлар, асосан, мамлакатимизнинг шимоли-шарқий (Ғарбий Тянь-Шань, Туркистон, Олой

тоғ тизмалари), марказий (Нурота, Зарафшон тизмалари) ва шимоли-ғарбий (Букантау, Тамдитау, Султон Увайс, Кулжуктау) қисмларида жойлашган. Юртимиздаги энг қадимги қоятош расмлари Зараутсойда бўлиб, буқа ва эчкиларни овлаш билан боғлиқ манзаралар мезолит ҳамда неолит даврининг миллоддан аввалги VIII — IV минг йилликларига мансуб.

Олимлар қоятош суратларини ов ва чорвачилик билан шуғулланган одамлар чизган деб ҳисоблашади. Шу тариқа улар бир вақтлар бу ерда озик-овқат, ўсимликлар ва хайвонот дунёсига бой иқлим шароити

мавжуд бўлганлигини билдирган.

Юртимиздан топиладиган қоятош суратлари яна шуниси билан аҳамиятлики, уларни ўрганиш асносида аждодларимиз, хусусан, туркий қавмлар тарих саҳнасига қачон чиққани, Марказий Осиё минтақасида, жумладан, Ўзбекистон худудида қайси даврларда яшагани, улар яратган маданиятлар, тамаддулар шу ўлкадан дунёга тарқалганини билиб олиш мумкин.

Олтой тоғлари ва Тянь-Шань (Тангритог) оралиғидаги худудлар ўн минг йиллар давомида туркий қавмларнинг бешиги бўлиб, бу ерларда аҳоли зич жойлашган, маданиятлар ривожланган, цивилизациялар қарор топган.

Илк қоятош расмларининг пайдо бўлиши миллоддан аввалги ўттинчи минг йилликка тааллуқли дея баҳоланади. Раамзий тасвирлар деб таърифлаш мумкин бўлган пиктограммаларнинг юзага келиши миллоддан аввалги йигирманчи минг йилликка, шрифт тас-

вирлари сифатида кўриладиган петроглифлар эса миллоддан аввалги ўн саккизинчи — ўн бешинчи минг йилликларга бориб тақалади. Петроглифлардан алифбо ва ёзув вужудга келган.

Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази экспозицияларида бевосита исломдан аввалги цивилизациялар, хусусан, юртимиз худудидан топиладиган илк инсоният манзилгоҳлари, санъат ва маданиятнинг дастлабки намуналарига алоҳида ўрин ажратилиши кўзда тутилган. Шу боис марказдан мамлакатимиз худудидан топиладиган қоятош суратларига ҳам алоҳида ўрин берилиши кутилмоқда. Бу эса тарихимизнинг қадимий ва ўрганилмаган саҳифаларини чуқур тадқиқ этиш ва кенг миқёсда тарғиб қилинишида катта аҳамият касб этади.

Алимирдон ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази етакчи илмий ходими.



БОСҚИНЧИГА БЎЙ БЕРМАГАН БУЮК ОБИДА

Она диёримиз ёши минг йиллар билан ўлчанадиган азим шаҳарлари, юзлаб нодир меъморий ёдгорликлари, масжиду миноралари, мақбараю мадрасалари билан дунёнинг энг қадимий мамлакатларига тенглаша олади.

Мерос

Шарқ дурдонаси — қадимий ва навқирон Бухоронинг бетакрор обидалари орасида Пойи Калон меъморий мажмуасида жойлашган Минораи Калон (Катта минора) алоҳида ўрин тутди. Марказий Осиё меъморчилигининг энг нодир ва мукамал намуналаридан бири сифатида жаҳон эътирофига сазовор бу минора салкам тўққиз асрнинг суронларига гувоҳ бўлган.

Етти иқлимдан ташриф буюрган сайёҳларни юз йиллар оша ҳайратга солиб келаётган бетакрор минорамизни Шарқдаги илк мусулмон туркий сулола — қорахонийлар даврининг бебаҳо мероси дейиш мумкин.

Минораи Калон билан боғлиқ кўплаб тарихий маълумотлар, шунингдек, ривоятлар бизгача етиб келган. Масалан, унинг қурилиши ҳақида. Ривоятларга кўра миноранинг бош меъмори — уста Бақо ғишларни пишириб бўлгач, уларни жойига термай, гоийб бўлади ва уч йилдан сўнг қайтиб келиб, ғишларнинг пишиқлигига ишонч ҳосил қилгач, қурилиш ишларини давом эттиради...

Минорани Калон асрлар давомида кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлган. Маълумки, XIII аср бошларида Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар босқини Мо-вароуннахрнинг қатор шаҳарларини вайронага айлантирди. Минглаб инсонлар нобуд бўлди, дарё-дарё қонлар оқди. Шу билан бирга, қачандан-қачан меъморий обидалар ер билан яксон қилинди.

Ривоятларга кўра 1220 йилда мўғул қўшинлари томонидан Бухоронинг катта қисми вайрон қилинган бўлса-да, миноранинг маҳобати ва баландлигидан ҳайратга тушган Чингизхон уни бузмасликни тайинлаган экан. Шу боис Ўрта асрларда у ҳозиргидек ўз салобатини ва маҳобатини сақлаб қолган. Минораи Калон темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, Бухоро амирлиги, Чор Россияси босқинидаги

кўплаб воқеалар, уруш ва қирғинларнинг тилсиз шохидидир.

1920 йилда М. Фрунзе бошчилигидаги қизил армиянинг Бухорога бостириб кириши жараёнида Минораи Калон ўққа тутилади. Натижада минора жиддий шикастланиб, кўплаб ғишлар кўчиб тушади, нақшлар ўчиб кетади. Ўқ излари тарихнинг аччиқ хотираси сифатида сақланиб қолади.

1924 йилда минора деворининг кичик қисми ва муқарнаслари қайта тикланди. Бухоронинг фидойи фарзандларидан бири — Уста Очил Бобомуродов 1960 йилда миноранинг пойдеворини таъмирлаб мустаҳкамлайди. 1997 йилда Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан минора тўлиқ реконструкция қилинади. Кейинги йилларда ҳам минорада таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда.

Минораи Калон... Буюклик, иймон-эътиқод ва мангулик тисмоли...

Эҳтимол, у Абдуҳалиқ Ғиждувоний, Саййид Мир Қулол, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа не-не буюк зотларга битмас-туганмас илҳом бахш этгандир?

Бугунги кунда Минораи Калон ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиб, Бухоронинг энг машҳур сайёҳлик масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир инсон тарих нафасини, асрлар шукухини, аждодларимиз қудрати ва даҳосини ҳис этади. Ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Хусрав ҲАМИДОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

НАВОИЙ ШАРАФИ ЯШАР МУҚАДДАС

Тақдири азал миллат манглайига ҳазрат Алишер Навоийдек улуғ зотни битгани ўзбек халқининг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажақдаги ҳар бир вакили учун чексиз гурур, ифтихор тисмоли бўлиб қолаверади. Буюк шоирнинг абадийгача дахлдор мероси нафақат ўзбек, балки бутун башариятнинг бебаҳо маънавий хазинасига айлангани рост. Бугунги кунда ул зоти шарифнинг умрбоқий асарлари дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган. Бу асарлардаги эзгулик, инсонпарварлик, садоқат, иймон-эътиқод тараннуми бутун инсониятни бирликка, ҳамжиҳатликка даъват этиб келаётди.

Улуғ сиймолар

Гоҳида Навоий асарларини мутолаа қилиш асносида ҳазратнинг бетимсол закоси, идроки, узоқни кўра билишини ҳис этиб, чексиз ҳайрат гирдобига тушасиз. Назаримизда ул зот юксак даражада тараққий этган замонамизнинг ўзига хос жиҳатларини, ҳатто муаммоларни беш ярим аср илгари теран нигоҳ билан кўра олгандек.

Мисол учун, бугун глобал аҳамият касб этаётган экологик муаммоларни олайлик. Ахир инсоннинг табиатга нисбатан калтабин, шафқатсизларча муносабати натижасида экологик вазият тобора кескинлашиб бораётгани рост-ку.

Эсланг, “Сабаъи сайёр” дostonида шох Баҳром овга чиқиб, ўз навқарлари билан жонзотларга мисли кўрилмаган даражада қирон келтиради. Қон дарёдек оқади. Қоннинг ҳароратидан ернинг устки қаттиқ қатлами ивиб, унинг остидаги ботқоқлик Баҳром ва унинг навқарларини ўз қомига тортади.

Алишер Навоий олис ўтмишдан туриб, бугунги замондошларни муқаррар бир хавф-хатардан огоҳ этган экан. Агар шу тахлит кетаверсак, шох Баҳром ва унинг сафдошлари қисмати бутун инсониятнинг бошига тушмасмикин? Уруш, ҳунрезлик, адоват сингари офатлар замон ва макон чегараларини тан олмайди. Замонлар ўтиши билан бу офатларнинг шакл-шамъойили ўзгарар, аммо мазмун-моҳияти ўзгармай қолаверади. Чунки бани-башарни ҳалокатга, қулфату мусибатларга етакловчи омил ягона — нафс. Зеро, улуғ мутафаккир бежиз лутф қилмаган:

*Беша шерин ер забун этсанг, шижоатдин эмас,
Нафм итин қилсанг забун оламда йўқ сендин шужоё.*

Дарҳақиқат, ўрмондаги ваҳший шерни енгиш, ер тишлатишдан кўра, ичимиздаги нафс итини бўйсундириш ҳақиқий мардлик, шижоат белгиси. Инсон ўз нафсини тобе қилолмас экан, Ер юзида низо, биродарқушлик, турли можаролар авж олаверади. Айни пайтда терроризм, экстремизм, ушшган жиноятчилик сингари иллатлар одам авлодларининг муросасизлиги, худбинлиги, очкўзлиги ва ҳарислигининг, қисқача айтганда, нафсининг аччиқ меваларидир, холос.

Атрофга теранроқ назар солайлик. Ҳар куни ўнлаб бегуноҳ инсонлар мақсадсиз уруш ва низолар, зиддиятлар, ҳарбий ҳаракатларнинг қурбони бўлаётди. Навоий бобомизнинг асрлар оша яшаб келаётган шох сатрлари уйғоқ руҳнинг янгрёқ фарёдидек жарангиди:

*Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлик
Ёр ўлуг бир-биримизга ки, эрур ёрлиг иш.*

Кошки, донишманд шоиримиз илгари сурган ана шу ҳақиқатни бугунги куннинг юксак фикрли кишилари англаб етганида эди...

Вақт ҳамма нарсадан устун. У ҳеч кимга бўйсунмайди. Замонлар, давру давронлар ўтаверади. Лекин Алишер Навоийдек буюк аждодларимиз яратиб қолдирган бебаҳо маънавий хазиналар асрлар суронига бардош бериб, янада сайқал топиб, қадр-қиммати ошиб бораверади. Биз эса улуғ шоир бобомизнинг номи билангина фахрланиб қолмасдан, ана шу хазинадан баҳраманд бўлиб яшамоғимиз керак. Навоийни фақатгина байрамларда, таваллуд айёмларида эмас, ҳар куни, ҳар лаҳзада қалбимизда, руҳимизда яшатмоғимиз зарур.

Навоийни асраган, Навоийни англаган эл саодатга эришмоғи муқаррар.

Рустам ЖАББОРОВ,
адабиётшунос.

Хаёт ҳақиқатлари

Юртингиз жаннат экан-ку!

...Ҳаж зиёратини адо этарканман, руҳим покланди, қалбим уйқудан уйғонгандек бўлди. Гўё жисмимда тириклик суви қайта югургандек, ўзимни онадан қайта тугилгандек ҳис қилдим.

Муборак сафарда, айнқиса, шундай бир воқеа юз бердики, ундан бутун умрлик сабоқ олдим. “Ватани севмоқ иймондандир”, деган улуғ нақлда жуда теран ҳаётий ҳақиқат мужассам эканига яна бир бор тўла амин бўлдим.

Авалло, Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам қадамлари теккан муқаддас тупроқни тавоф этар эканмиз, димогим бир тотли ҳисга интиқ бўлди, уни ҳар ёндан излади, кўзга тўтмё қилгани келди. Бу Ватан тупроғи эди. Сафаримиз бошланганига энди уч-тўрт кун ўтган эди ҳамки, уйимизни, қадрдон шахримизни, юртимизни кўмсади бошладим...

Бир куни суданилик зиёратчи билан суҳбатлашиб қолдик. У Ўзбекистонда ҳеч қачон бўлмаган экан.

Мамлакатимиз ҳақида гапириб беришимни сўради.

— Бизда тўрт фасл мукамал тарзда бир хилда алмашиниб келади, — дея сўз бошладим. — Қишда оппоқ қор оқ чойшабдек тўшалади. Баҳорда қорлар эриб, жилғалар сойларга энади. Ҳамма ёқни яшиллик қоплайди. Боғу хиёбанларни гулларнинг хуш ифори, қушларнинг сайроғи тугиб кетади. Ёзда қуёшнинг заррин нурали меваларини болга тўлдиради. Кузда пишиқчилик, серобгарчилик... Табиат олтинранг тусга қиради...

Сўзларимни тинглаётган инсон ҳайрат тўла кўзларини менга тикиб: — Юртингиз жаннат экан-ку, — деб юборди.

Мен ич-ичимдан фахрланиб кетдим...

Абдуғафур МАМАТОВ.
Тошкент шаҳри

Академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ўртасида Англашув меморандуми имзоланди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахририятга келган кўлаёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахририят тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6